Ўзбекистон Президентининг китоби Исроилда чоп этилди

Ўтган ҳафта охирида Тель-Авив — Тошкент авиақатновининг биринчи йўловчиси сифатида рўйхатдан ўтган Мотл Обронскага тайёрагоҳда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Исроилдаги ваколатхонаси ходимлари томонидан кутилмаган совға берилди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби эди. Рус тилини ҳам, ўзбек тилини ҳам билмайдиган Мотл учун уни ўқиш қийин бўлмади, чунки Ўзбекистон Президентининг мазкур китоби иврит тилида Исроилда нашрдан чиққан эди.

Нашрни босмага тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Исроил давлатидаги элчихонаси, шунингдек, Исроил саноатни ривожлантириш банки директорлар кенгаши раиси Шломо Борохов ва «Исроил — Ўзбекистон» дўстлик ва алоқаларни ривожлантириш ассоциациясининг раиси Олег Якубов иштирок этдилар.

Бир неча кун илгари Тель-Авивдаги «Бейт Соколов» журналистлар уйида Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлди. Маросимда оммавий ахборот воситалари вакилларидан ташқари олимлар, иқтисодчилар, жамоат арбоблари, дипломатлар қатнашдилар.

Ўзбекистон Президентининг ўз мамлакати тараққиётининг геостратегик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароитларга, шунингдек ислом ақидапарастлигининг тарқалишини олдини олиш муаммоларига бўлган қарашлари билан исроил ўқувчисини таништириш ғояси Марказий Осиёнинг йирик давлати билан Исроил ўртасидаги муносабатларга бефарқ бўлмаган барчада жонли қизиқиш уйғотди. Улар қаторида — сиёсатшунос ва дипломатлар, тарихчи ва журналистлар, ишбилармонлар ва иқтисодчилар, Ўзбекистондан чиққан кишилар ва бошқа мамлакат вакиллари бор эди.

Исроилда чоп этилган китобга жаҳонга таниқли олим, исроиллик профессор, тарихчи Яаков Рои сўзбоши ёзган. Унинг илмий фаолияти Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистоннинг ижтимоий ва сиёсий муаммоларини ўрганиш билан узвий боғлиқ. Яаков Роининг кўплаб илмий ишлари, китоблари, даврий матбуотдаги мақолалари нафақат олимларда, балки кенг жамоатчиликда жонли қизиқиш билан мутолаа қилинади.

— Менга жаноб Каримов китобининг иврит тилига таржимаси билан танишиб чиқишни сўраганларида мен иш билан жуда банд эдим, бунинг устига мени операция кутаётган эди, — дея сўзини бошлади профессор Рои. — Лекин, мазкур китобни ўқиб чиққан заҳоти барча кундалик ишларни йиғиштириб қўйдим ва дарҳол мазкур нашрга сўзбоши ёзишга киришдим. Ўйлашимча, Президент Ислом Каримовнинг китоби замонавий Ўзбекистон, унинг тараққиёт истиқболлари билан қизиққан барча учун ўта муҳим аҳамият касб этади. Янги ривожланиш босқичининг давлат етакчиси бўлган муаллифнинг фикрлари, менинг фикримча, шак-шубҳасиз барчанинг диққатини ўзига тортади.

Лазарь ДАНОВИЧ,
исроиллик журналист —
махсус «Жаҳон» АА учун

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 25 июнь, пайшанба • № 75 (22.312).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

СОФИЯ. 24 июнь. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Болгария Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Расмий музокаралар уйида икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги транспорт, савдо-сотиқ, маданий ва бошқа соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантириш, давлатларимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигини янада юқори поғонага кўтариш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маданий соҳада ҳамкорлик, савдо ва иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги, сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик, автомобилларда халқаро йўналишда йўловчи ва юк ташиш тўғрисидаги Битимлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ҳукуматлари ўртасида транспорт соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги Меморандум имзоланди.

Ислом Каримов ва Петар Стоянов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказиб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Жумладан, Президентларнинг яккама-якка суҳбати ҳамда кенгайтирилган таркибдаги музокараларда кўриб чиқилган масалалар хусусида сўз борди.

Миллий маданият уйида давлатимиз раҳбари Болгария ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Ислом Каримов тадбиркорлар билан суҳбат чоғида Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайликлар, юртимиздаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳақида сўзлади. Болгария ишбилармонлари Ўзбекистондаги сармоявий муҳитни бошқа давлатда учратиш мушкул эканини эътироф этиб, ҳамкорликни кенг кўламда ривожлантиришга тайёрлик билдиришди.

Ислом Каримовнинг Болгарияга ташрифи давом этмоқда.

Мустақиллик фарзандлари.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Хусусийлаштирилган корхоналар самарадорлигини ошириш учун 28 миллион доллар

Жаҳон банки Ўзбекистондаги хусусийлаштирилган корхоналарнинг самарадорлигини ошириш учун 28 миллион долларлик заём ажратиш ҳақидаги қарорни қўллаб-қувватлади. Айрим корхоналарни хусусийлаштириш бўйича ҳукумат дастурини қўллаб-қувватлаш учун хорижий сармояларни жалб этиш, жамоатчиликнинг молия бозорида кенг иштирок этишини, акционерлар манфаатини қонуний жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳамда саноат соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун юқорида таъкидланган маблағлар сарфланади.

Ушбу лойиҳа учта асосий туркумдан иборат: биринчидан, корхоналар хусусийлаштирилгандан сўнг маслаҳат хизматлари кўрсатилади. Шунга биноан, ҳукуматнинг саноат соҳасидаги ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилади. Бундан асосий мақсад даромадни ошириш ва умумий ишлаб чиқариш самарадорлигини молиявий таъминлаш, бошқарув тизимини ривожлантириш имкониятларини юзга чиқариш мумкин. Халқаро ва ички консалтинг фирмалардан иборат консорциумларнинг тезроқ ривожланишига кўмаклашилади.

Иккинчидан, аниқ корхоналарни хусусийлаштириш. Бунда йирик давлат корхоналарини хусусийлаштиришда самарали усуллар амалга оширилади.

Учинчидан, молия бозори ривожлантирилади. Молия бозорини ривожлантириш қимматли қоғозлар марказини, фонд биржалари ва миллий депозит идораларини тараққий эттиришни кўзда тутади. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида давлат корхоналарини хусусийлаштириш пайтида турли ҳукуматларнинг молиявий масалалар бўйича етакчи маслаҳатчилари ва сармоядор банкирлар ёлланади. Молиявий маслаҳатчилар уч босқичли маслаҳат хизматини кўрсатадилар. Масалан, компания ёки компаниялар даромадининг дастлабки баҳоси, хусусийлаштирилган корхонанинг техник-иқтисодий асосини келтириш, уни баҳолаш ва сотиш турлари, хусусийлаштириш учун тендернинг ўзини ташкил этиш шулар жумласидандир.

Лойиҳанинг умумий баҳоси 47,7 миллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланди. Бунинг учун Ўзбекистон ҳукумати 19,7 миллион доллар ажратади. Заёмни тўлаш муддати эса, беш йиллик кечиктиришни ҳам қўшган ҳолда 20 йил. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Жаҳон банки тизимига 1992 йилда қўшилганидан сўнг, мамлакатимизда амалга оширилган еттита лойиҳа учун 379 миллион доллар ажратилди.

«Интернет» тизими хабарлари асосида

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Ҳарбий қўмита раисининг сафари

НАТО ҳарбий қўмитаси раиси генерал Клаус Науманн 28 июндан 3 июлгача расмий ташриф билан Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркманистонга келади. Науманн ушбу мамлакатларнинг олий сиёсий ва ҳарбий раҳбарлари вакиллари билан учрашади. Шимолий Атлантика иттифоқининг штаб-хонасидан хабар қилишларича Науманнинг ушбу ташрифи давомида Осиё мамлакатлари билан НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳарбий ҳамкорликни ривожлантириш борасида асосий музокаралар бўлиб ўтади.

Миллиардернинг ҳиммати

Арманистон Президенти Роберт Кочарян матбуот анжумани пайтида ўзининг Арманистондан чиққан америкалик миллиардер Кирк Киркорян билан бўлиб ўтган музокаралари якунлари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Унинг сўзларига қарагандa америкалик миллиардер Арманистондаги кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 100 миллион доллар маблағ ажратиши шартлари келишиб олинган. Яқин кунларда ушбу маблағнинг 10 миллион доллари келиб тушади. Икки томонлама келишувга асосан маблағларни дастлабки тақсимлаш дастури белгиланди. Аввалига 100 мингдан 1 миллион долларгача кредит берилиши мўлжалланган эди. Энди эса, йирик тармоқ дастурларини амалга ошириш учун бундан ҳам каттароқ маблағ ажратиладиган бўлди.

НАТОга мурожаат

Албания Бош вазири Фатос Нано НАТОга яна бир бор мурожаат қилиб, вазиятни барқарорлаштириш учун уларни Косовода ҳарбий операциялар ўтказишга чақирди. Албания Бош вазирининг айтишига кўра унинг мамлакати Югославия билан уруш арафасида турибди. Унинг фикрича, НАТО иттифоқи ҳаводан зарба бериб, «Сербия ҳарбий машинасини» ишдан чиқариши керак эмиш.

Холбрук ҳам бекор юргани йўқ

Американинг Болқон ярим оролидаги вакили Ричард Холбрук Югославия Президенти Милошевич ва косоволик албанларнинг етакчиси Иброҳим Руговой билан алоҳида-алоҳида учрашмоқчи. Холбрук қатъий оҳангда Милошевичдан серб аскарларини Косоводан олиб чиқиб кетишини талаб қилмоқчи. Бундан аввалроқ БМТнинг ушбу минтақадаги махсус вакили Элизабет Рен Косовода ҳарбий куч ишлатиш учун вазият етилди, деб айтганди.

Визалар бекор қилинди

Хитой корчалонлари яқинда Американинг «Озод Осиё» радиостанцияси ходимларидан уч кишига берилган визаларни бекор қилди. Маълумки, улар АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг эртага Хитойга бошланадиган ташрифини ёритишлари зарур эди. Радиостанция вакилининг хабарига кўра Хитой расмий кишилари визаларни бекор қилиш сабабларини тушунтиришгани йўқ. Аслида, «Озод Осиё» радиостанцияси АҚШ ҳукумати томонидан молиявий таъминланиб, Осиё мамлакатларидаги вазият ҳақида тўлиқ ва аниқ ахборот тарқатиши зарур. АҚШ Президенти Билл Клинтон эса Хитой расмий доираларининг америкалик уч журналистнинг визасини тортиб олганлигидан ғазабланаётганлигини маълум қилди. Ахир улар менинг Хитойга расмий ташрифимни ёритмоқчи эдиларку, деди у. Америкалик журналистлар Президентнинг ўзи билан бирга Хитойга учиб бормоқчи эдилар. Клинтон Вашингтонда матбуот ходимлари билан учрашув пайтида бундай деди: «Биз бунга тамоман қаршимиз, лекин ишонамизки, хитойликлар бу масалани қайта кўриб чиқадилар».

Мустақиллик малҳами

Олис-олисларда

Қизил империя даврида туманлар «чуқур» ихтисослаштирилар эди. Айтайлик, пахта етиштиришга ихтисослашдингми, фақат пахта эк, бошқасини қўявер, дейилар эди. Ғаллакор бўлсанг ғалла эк, сабзавоткормисан, сабзавот етиштир, деб буйруқ бериларди. Чорвадорга эса гўшт, сут, жун юкланарди.

Бундай ҳолат марказдан туриб бошқаришни енгиллаштирар, тазйиқ, зуғум ўтказишни осонлаштирарди. Аммо халқнинг аҳволини, турмушини анчайин чигаллаштирар эди. Шу боисдан пахтакорнинг гўшт, сутга, чорвадорнинг эса бўз, читга ёлчимагани ҳали ҳануз эсимизда.

— Назаримда, баркамол турмуш тарзи учун қишлоқда саноат ҳам, зироат ҳам, тижорат ҳам, хуллас инсон фаолиятининг барча жабҳаси текис ривожланмоғи зарур, — дейди Қўшработ тумани ҳокими Мансур Қўшбоев мен билан суҳбатда. — Ҳатто бир хил экин экавериш ҳам халққа бойлик эмас, кулфат олиб келар экан. Шунинг учун ҳам Юстус Либих деган немис олими бундан 150 йил бурун «Халқни камбағалликка олиб келадиган сабаблар ичида бир йиллик ўсимликларни узлуксиз экавериш ҳам каттароқ сабаб йўқ», деган. Буни яқин ўтмишда ўзбек халқи ҳам ўз бошидан кечирди. Истиқлол туфайлигина пахта яккаҳокимлиги балосидан қутулдик.

Тўғри, Қўшработ тумани тоғ ва тоғолди зонасида жойлашган. Бу ерда пахта экилмайди. Бироқ, пахта яккаҳокимлигининг касри олис яйловларда ҳам совуқ шамол сингари елиб ўтди. Оқибатда яйловлар қашшоқлашди, ўт-ўланлар камайди, экологияга путур етди. Асрлар оша шуҳрат топган сержило қоракўл терилари СЖК балоси туфайли ўтмас матоҳга айланиб қолди.

Одамларнинг турмуш тарзи ночор, ишсизлик, қашшоқлик ҳар қадамда учрарди. Лекин, булар ҳақида лом-мим дейилмасди. Бу гаплар етти қават сандиқда сақланарди. Инфратузилмани ривожлантириш масалалари хусусида бош қотирилмасди. Эҳтимол шу боиски, Қўшработ тумани мамлакатда табиий газ етиб бормаган ҳудудлардан бири эди.

Истиқлол туфайлигина қўшработликлар том маънода рўшнолик кўрдилар. Илк бора бу ерда саноат шаклланди. Деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда аста-секинлик билан бўлсада силжиш кўзга ташланаётир. Чунончи, бу йил туманда пилла тайёрлаш, қўзи олиш режалари ошириб бажарилди. 2000 йилгача қоракўл қўйлар сонини 100 минг бошга етказиш дастури ишлаб чиқилган ва у қадам-бақадам амалга оширилаётир. Бу йил ғаллазорларда ҳам ҳосил кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Бугун-эрта ҳосил ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан бошлаб юбориш чоралари кўрилмоқда. Ўтган йили — Мустақиллигимизнинг 6 йиллиги байрами кунларида туманда илк бора «зангори олов» машъаласи порлади. Вилоят ва туман ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан 30 километрлик масофада юқори босимли газ қувури ётқизилди. Бунинг учун 86 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликларга қарамай, шунча маблағни топишнинг ўзи бўлмади. Кези келганда одамлар ҳашар усулини қўлладилар. Қўшработда халқимизнинг бу анъанавий усули жуда қадрланади. Аслида бу аҳиллик ва бирдамлик, якдиллик белгисидир. Айнан шу усул билан сўнгги бир йил ичида туманда 11 та қишлоқ врачлик пункти қуриб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг ҳар бири қулай шифо маскани бўлиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

Шунингдек, ҳашар йўли билан О. Қодиров ва Э. Жумонбулбул ўғли номли хўжаликларда «Маънавият ва маърифат» марказлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Эсимда бор: 80-йилларнинг ўртасида Қўшработни пойтахт билан боғлайдиган автобус маршрути очилди. Ўшанда марказий газеталарда «Чўпонлар юртига автобус келди», дея йирик ҳарфлар билан ёзишган эди. Мана шу далилнинг ўзиёқ туманда маданий ҳаёт қай даражада бўлганлигини кўрсатади. Пойтахтга бориш учун аввал қўшни туманларга, сўнг вилоят маркази Самарқандга, ундан сўнггина пойтахтга бир амаллаб етиб борган чўпон болаларининг аксарияти ҳозирги кунда етук олимлар, малакали мутахассислар, ижодкорлардир. Айни пайтда туманда туғилиб ўсган зиёлилардан мингдан ортиқ фан номзоди, 100 га яқин фан доктори, бир неча академик мамлакатимизнинг илмий салоҳиятига баракали ҳисса қўшяпти.

Қайсидир донишманд ўз қишлоғини, туғилиб ўсган юртини севмаган одам том маънода ватанпарвар бўлолмайди, деган. Мана шу ҳур фикрни эсласам ёдимга нуқул тумандаги Зармитан геология-кон қидирув ташкилотининг раҳбари Холмўмин Ҳайитов тушаверади. Бу серғайрат, тиниб-тинчимас, олтинтопар йигит шу заминда туғилиб вояга етди. Ҳозир бу ернинг бойликларини, хазинасини унингчалик кўп ва хўп биладиган одам йўқ десам, муболаға эмас. Холмўмин ўзининг зукколиги, теран ақли билан Зармитан олтин конини қайта кашф этди. Геологияда қимматбаҳо маъданни тилла томир бўйлаб излаш ва қазиб олиш усули мавжуд. Бунда унинг ён-верига эътибор берилмайди. Оқибатда тилла томир қазиб олинарди-ю, атрофидаги кўз илғамас бойлик чиқитга чиқариб юборилади. Ҳайитов эътиборни худди шу ерга қаратди ва «кўз илғамас» бойликларни ҳам қазиб олиш усулини яратди. Оқибатда коннинг заҳираси кўпайди.

Бинобарин, айнан шу ҳолатлар чет эллик сармоядорларнинг Зармитанга бўлган қизиқишини кучайтирди. Инвесторлар ўртасида ўтказилган тендерда австриялик ишбилармонлар ғолиб чиқиб, қўшма корхона ташкил этадиган бўлди. Янги корхонанинг ишга тушиши натижасида унинг теварагида хизмат кўрсатувчи ўнлаб кичик корхоналар вужудга келадики, бу минглаб кишиларга янги иш жойи яратади. Инфратузилманинг ривожига катта таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

— Яқин йилларда туман қиёфасини тубдан ўзгартириб юборадиган бошқа омиллар ҳам бор, — дейди ҳоким суҳбатимиз охирида. — Бизнинг ҳудудда қимматли гранит ва мармар тошларнинг катта заҳираси мавжудлиги аниқланган. Мана шу соҳага ҳам чет эл сармоясини фаол жалб этаяпмиз. Чунончи, Италиянинг «Педриня» фирмаси билан шартнома тузиб, гранит ва мармарга жило берадиган иккита завод учун 3,2 миллион АҚШ долларилик технологияни олиб келаяпмиз. Энг замонавий технология асосида ишлов берилган тошлардан ҳар йили 6 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бундан эса 1 — 1,5 миллион доллар соф фойда олиниши кўзланмоқда.

Чет элликлар билан корхона-ю, қўша-қўша заводлар бунёд этилиши шубҳасиз, туманда туб ижтимоий ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Кечаги чўпонлар ва уларнинг фарзандлари янги дастгоҳлар, ускуналарни бошқарадилар, бу эл одамлари учун нотаниш бўлган юмушларни, вазифаларни бажаришни ўрганадилар.

Шуларни ўйлар эканман, мустақиллик олисдаги Қўшработга ҳаммадан кўпроқ малҳам, туртки берди, дегим келади. Чунки, бу юрт истиқлолни ҳаммадан кўра илҳақ бўлиб кутганди.

Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбири

Маънавий баркамоллик —

«Маънавият» — ижтимоий-фалсафий кўламда ишлатиладиган сўз бўлиб, аввало, моддий бўлмаган, балки руҳий, ички дунёвий, қалбий ва ақлий оламни ифодалайди.

Маънавий салоҳият инсоннинг ҳаётига, руҳий ва ақлий дунёсига тегишли тушунча экан, бу тушунча фалсафада ва умумфанда «потенциал ҳолат» ёки «потенциал имконият» сўзлари билан ифодаланади.

Потенциал имкониятлар жонли табиатда ҳам, жонсиз табиатда ҳам, техникада ҳам мавжуд, фақат одамга тегишли салоҳият — потенциал имкониятларнинг энг олий даражадаги кўринишидир.

Халқнинг ижодий салоҳиятини ўрганишга ҳозир катта аҳамият берилмоқда. Ижодий салоҳият жиҳатидан барча халқлар умуман бир хилдаги потенциал имкониятларга эга бўлиши мумкин. Лекин, тарихий, баъзан жўғрофий шароит, шунингдек, амалий тажрибалар, ижтимоий жараёнлар, ҳаётий тажрибалар ҳар хиллигидан халқларнинг ижодий салоҳиятлари бир-биридан озми-кўпми фарқ қилади.

Жумладан, ўзбек халқи, Марказий Осиё халқлари илмий салоҳияти, яъни аждодларимизнинг, ота-боболаримизнинг илмий мероси бунга далилдир. Қадимги замонларда ҳам ирригацион қурилишлар, юқори даражадаги деҳқончилик, қурилиш материаллари, кимёвий бўёқлар, илмий-геометрик архитектура, нафис рассомчилик — буларнинг ҳаммаси ота-боболаримизнинг бизга қолдирган моддий мероси билан бирга, руҳий-ижодий мероси ҳамдир.

Бутун дунё мактаблари ва университет-

1

ларида ўн иккинчи асрдан боқлаб, ҳануз ал-Хоразмий кашф этган алгебра фани ўқитилиб келинади. Ҳозирги замонда космик кемалар, ҳаво транспорти, ҳисоблаш машиналари, компьютерлар, халқ хўжалигида хизмат қилаётган техника ва технология алгоритм қоидаси асосида ишлайди. Алгоритм эса, муайян кетма-кет бажариладиган жараёнлар мажмуаси бўлиб, назарий ва амалий масалаларни ечишда ишлатилади. Аслида шундай математик усулни биринчи марта кашф этган олим ал-Хоразмий бўлгани учун бу усул мана саккиз юз эллик йилдан бери лотин тилида «алгоритм» деб талаффуз қилинадиган «ал-Хоразмий» номи билан юритилади. Демак, «Алгоритм» — олим номи, шу билан бирга илмий тушунчадир.

Худди шунингдек,

2

инсон ақлий ва ижодий фаолиятининг бир тури бўлган мусиқа руҳий маънавиятимизни бойитувчи ажойиб воситадир. Мусиқий оҳанглар физикавий тўлқинларнинг одам руҳиятига мос келиши экан,бу гармонияни топиш мусиқа назариясининг вазифасидир. Мана шундай мусиқанинг математик назариясини яратишга Абу Наср Форобий муяссар бўлди. Шунингдек, Евклид геометриясидан ноевклид геометрияларга ўтишда, Птоломейнинг коинот манзарасини янада илмий жиҳатдан бойитишда, алгебраик геометрияни яратишда Форобийнинг илм-

фанга қўшган ҳиссаси ниҳоятда унумли бўлган.

Ҳар бир янги фаннинг кашф этилиши илмий салоҳиятнинг юзага чиқиши, маънавиятнинг бойитилишидир. Геодезия, минерология, фармакогнозия илмларини Беруний кашф этганлиги жаҳонда тан олинган. Берунийни гелиоцентрист деб аташ қийин, лекин у агар тепадан ташлаб юборилган жисм шарқроққа тушса, Ер икки қутби орасидаги чизиқ, ўқ атрофида айланади, дейиш мумкин бўлади,

3

деган эди. Дарҳақиқат, бу илмий фараз кейинчалик исботланди. Бундан қуйидаги натижа чиқазиш мумкин: демак, гелиоцентризм ғояси билан механиканинг инерция қонунини биринчи марта бир-бирига боғлаган олим Беруний-дир. Бу энциклопедист олим кўплаб маъноли ғояларни яратган.

Илмий ишларда кузатиш, эксперимент, тажриба таянч заминлардан иборат. Фалакиёт оламида олимлар қадимдан бошлаб, самовий жисмлар ҳолати ва ҳаракатини кузатганлар, жадвал тузганлар, шунга асосланиб уларнинг келгусидаги манзараларини олдиндан айтиб бериш учун ҳаракат қилганлар. Улуғбек осмон жисмлари — Қуёш, Ой, сайёралар, юлдузлар ҳаракатини бошқатдан, янгича усул билан кузатишга қарор қилди ва бунинг учун ўз замонасининг энг зўр обсерваториясини қурдирди. Кузатишлар

4

янги натижаларни берди. Бунинг ўзи кифоя эмас эди. Улуғбек ўз касбдошлари билан биргаликда назарий масалалар билан шуғулланди. Осмондаги абстракт чизиқлар, экватор, эклиптика оғиш бурчаги соҳасидаги илмий фикрларни янада бойитди, Ой ҳаракати назариясини яратди, ҳисоблаш математикасига катта ҳисса қўшди, календарлар муаммосини янада илмийлаштирди. Табиатшунослик ва жамиятшунослик соҳаларидаги маънавиятимиз ажойиб фикрлар билан тўлдирилди.

Аждодларимиз фалсафаси ҳам маънавиятимиздир. Фалсафий тафаккур масалалари билан шуғулланишга ҳар хил йўналишдан ёндошган: олимлар (ал-Хоразмий, Улуғбек ва бошқалар), файласуфлар (Форобий, Ибн Сино ва бошқалар), мутассавифлар (Яссавий, Суҳравардий, Кубро, Нақшбанд ва бошқалар), муҳаддислар (ал-Бухорий, ат-Термизий ва бошқалар), бадиий тафаккур соҳиблари (Навоий, Бедил ва бошқалар).

Кейинги йилларда марксча-ленинча фалсафа ўз кучини йўқотишини ҳамма бир хилда тушунди, деб бўлмайди. Дарҳақиқат, у фалсафа-

Пойтахт фавворалари





Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

Гиёҳлар тоғларнинг кўркими?

Муносабат

Яқинда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида Президентнинг Фармойишлари оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинди.

Халқ орасида: она тупроғимизга бирон қуриган чўпни қадаб қўйсанг уч йилда мева беради, деган гап юради. «Қирқ йилдан буён табиблик қиламан, тажрибамдан маълумки, Ўзбекистон тоғларида беш юздан ортиқ турдаги гиёҳ ўсимликлар мавжуд. Поёнсиз даштларда, қир-адирлар, далалар ва зовурлар атрофларида ўсувчи гиёҳларнинг баъзи турлари эътиборсизлик оқибатида йўқолиб бораяпти, - дейди, куюнчаклик билан табиб Абдусаттор Норматов. — Қизил империя даврида гиёҳлар билан даволашга эскилик сарқити, хурофот, деб қаралди. Ва табибларнинг фаолияти таъқиққа учради. Ваҳоланки, кимё заводларида сунъий усул билан тайёрланадиган дори-дармонларнинг таркибида гиёҳларнинг фақатгина таркибий хоссалари мавжуд. Шундай экан, шифобахш ўсимликларни табиий ҳолатда истеъмол қилиш, сунъий йўл билан тайёрланганидан кўра инсон танасига безарардир».

Жамиятда соғлом авлодни воягa етказиш учун организмда турли хилдаги касалликларни ташувчи микробларга қарши курашувчи иммунитетларни ривожлантириш ўта муҳим. Аждодлар анъаналарини эътиборга олган ҳолда гиёҳлардан табиий ҳолда дори-дармонлар тайёрлаш, дорихоналарда савдосини ташкил қилиш, халқ табибларининг авлодлар оша такомиллашиб келаётган тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўларди.

«Хизмат юзасидан Мирзачўлга боришга тўғри келди, - дея гап бошлайди табиб Абдусаттор ака.- Бир чўпон: табиблик қилар экансиз, бўлган воқеани айтиб берсам фойдаси тегар, деб қолди. Хўш, хўш, дея тинглашга шайландим. Далада қўй боқиб юргандим, саксовулдаги сариқ ари инига ёпишиб олиб асалини шимиётган илонга кўзим тушиб қолди. Нима бўларкан деб бир пас пойладим. Сариқ арилар галаси илонни роса талашди. Илон секин саксовулдан сирғалиб тушиб, исириқнинг танасига чирмашиб олар, баданини намлаётган сувидан хотиржам бўлиб қоларди. Бу ҳолат бир неча бор такрорланди. Мен илон асал шимиётганда секин бориб исириқни томири билан юлиб олдим ва чеккароққа яшириб қўйдим. Шу пайт илон саксовулдан тушиб исириқни чир айланиб, ахтаришга тушди. Унинг уринишлари беҳуда кетди. Шишиб кетган бадани ёрила бошлади, дам ўтмай жон таслим қилди. Кўрдингизми, исириқни минг дардга даво, деб бекорга айтишмайди».

Абдусаттор ака шу қадар берилиб сўзлардики, ўзининг гапидан ўзи роҳат қиларди. Ҳа, ўз касбига меҳр қўйган инсонларда учрайдиган ҳолат бу. Касаллик қаердан пайдо бўлади? Нега инсон танаси дардланишга мойил? Аввало, одам организмининг тузилишига эътибор берайлик: барча аъзолар тўрт унсур, яъни тупроқ, ҳаво, олов, сувнинг бирикувидан ташкил топган.

Организмдаги унсурларнинг фаолиятида бирортасининг меъёрий ҳолати ошиб кетса, ўша унсурга хос бўлган касалликлар пайдо бўлади. Олов унсурининг хоссаси ошгани баданнинг қуруқлашиши, тана ҳароратининг кўтарилиши билан белгиланса, сувники турли хил шамоллашларни келтириб чиқаради. Қолган унсурлар ҳам хусусиятига қараб белгиланади. Буларнинг меъёрий ҳолатини сақлаш, олдини олишда шифобахш гиёҳлар фойдалидир. Чунки, кимёвий йўл билан сунъий равишда тайёрланган дорилар тана аъзоларининг бирига ижобий таъсир кўрсатса, иккинчисига салбий таъсири бор. Масалан: анальгин бош оғриғини қолдиради, соғлом юракнинг меъёрий иш режимини бузади.

«Бир гал етмишлардан ошган отахон билан танишиб қолдим. Суҳбат асносида ён чўнтагидан махорка олиб, оддий қоғозга авайлаб ўрай бошлади. Мен: отахон чексангиз сигарет бераман, дедим. «Наҳотки, чекадиганга ўхшасам? Гавдамни қара! Етмишга кирган демайди-я, ҳеч ким?!» - деб бошидан ўтган савдони айтиб берди: бундан йигирма йиллар олдин қаттиқ шамолладим, икки оёғимда бод касали пайдо бўлди. Бораборa юролмай қолдим. Ўша замонларда машҳур табибга учрадим. Табиб исириқни махорка қилиб чекиб туринг, деди. Худонинг қудратини қара, шундан тузалиб кетдим. Энди, эсга тушганда бир тортиб қўямиз-да». Бу гаплар ҳали-ҳали хаёлимдан кўтарилмайди. Дардини осон берган, давосини ҳам осонгина қилиб қўйган-у, ўзимиз беҳафсаламизда» - дейди Абдусаттор Норматов.

Тўғри, ҳозирги кунда гиёҳлардан шифобахш ичимликлар, баъзи дори-дармонлар тайёрланаяпти. Қуритилган ҳолида дорихоналарда сотиляпти. Шу қаторда халқ табибларининг фаолиятини тизимли равишда аҳоли саломатлигини яхшилашга йўналтирилса, тегишли ташкилотлар томонидан назоратга олинса масъулият ва кафолат барқарорлашган бўларди.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Заминга туташган тақдир

Исматулла ака ғаллазорларни кўздан кечириб юрар экан, чўл шабадаси эпкинида денгиздай мавжланаётган бўлиқ бошоқларга қараб тўймасди. Бундан ўттиз йиллар муқаддам шу Қарнаб чўлидаги хўжаликка бош агроном бўлиб келган даврларини эслади. Ўшанда бу ғаллазорларнинг ўрни яйдоқ чўл ва яйловлардан иборат эди. Ишни нимадан бошлаш кераклиги муаммо бўлиб турарди. Чунки ўша пайтда мутахассисларга ҳозиргидек эркинлик қаерда эди, дейсиз. Қанча кўзи оласиз, қаерга нима экасиз, ҳаммаси юқоридан белгиланар, осмондан олиб бўйнига қўйилган режани бажараман деб чорвадорнинг она сути оғзидан келарди.

Лекин, Исматулла ака юқорининг кўрсатмаси билан ишлашни ёқтирмасди. Эҳ-ҳе, бу «ўжарлиги» учун неча марта катталардан дашном, дўқ-пўписа эшитмади. Эсида, бир куни яйловларни маданийлаштириш ташаббуси билан директор ҳузурига кирди. Ҳисоб-китобларни, қаерга нима экилишини лўндалўнда қилиб далиллаб берди. Унинг фикри тўғрилигини, бу тадбирсиз қоракўлчиликни ривожлантириб бўлмаслигини директор яхши тушунарди. Аммо, бунинг учун юқориларга бориб, қанча маҳкамаларга бош уришга тўғри келишини, танбеҳ эшитишини, ҳатто «катталар» кўзига ёмон кўриниб қолишини ўйлаб гапни қисқа қила қолди:

— Сиз ҳозир бу ишларни қўя туринг, қандай топшириқ берилса, ўшани бажаришга ўрганинг, — деди.

Исматулла ака директор ҳузуридан кайфияти бузилиб чиқди. «Нима қилиш керак, ё райкомга бориб, у ер бўлмайди, ишлай олмадим, деб айтсинми». Кўнглидан ўтган бу фикрдан ўзи уялиб кетди: «Йўқ! Ишлаш керак!». Қарори қатъий эди. Ҳар бир қарич ерни эринмай ўрганиб чиқди. Таклифлари билан яна директорга келди. Директор агрономнинг «ўжарлиги»ни бу гал енголмади. Албатта, унинг ўйлаган режаларини амалга ошириш учун бир-икки мутахассиснинг саъй-ҳаракати камлик қиларди. Олимларга мурожаат қилишди. «Қарнаб» давлат наслчилик заводини Самарқанд шаҳридаги қоракўлчилик илмий текшириш институти олимлари оталиққа олишди. Бош агроном Исматулла Тўлаевнинг узоқни кўзлаб ишлаётгани уларга маъқул бўлди. Қисқа фурсатда 37000 гектар майдонда маданий яйловлар барпо этилди. Илгари баҳорда бир-икки ой табиий ўт-ўланлар кўкариб, кейин қовжираган чўлга айланиб қоладиган бепоён яйловларда йил бўйи ўсадиган изензор ва саксовулзорлар пайдо бўлди. Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай шароитда ҳам қоракўл қўйларни бемалол боқиш учун мустаҳкам замин яратилди. Хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари ўсди. Довруғи ошди. Наслли қоракўл қўйларини яратишда катта тажриба мактаби яратилди. Лекин Исматулла ака чорвадорларнинг бу меҳнатларидан косаси оқарганини кўрмади. Тўғри, қўша-қўша орденли, қаҳрамон чўпонлар етишиб чиқди, мукофотлар берилди. Аммо, жаҳон бозорида тиллога тенг қоракўл теридан тушадиган даромадни ўндан бири ҳам чўпонга келиб тегмас эди.

Давр ўзгарди, қанча раҳбарлар келди, қанча раҳбарлар кетди. Худога шукр, бугун Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Истиқлол туфайли деҳқону чорвадор кўксига эркинлик шабадаси тегди. Ерга, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи энди ўзига берилди. Исматулла аканинг орзулари рўёбга чиқадиган кунлар келди. «Қарнаб» давлат наслчилик заводи ижара хўжалигига айлантирилиб, унга машҳур чўпон, Меҳнат Қаҳрамони Раззоқ Жаҳонгиров номи берилди. Хўжаликда энди ғалла ва бошқа экинлар ҳам экила бошлади. Республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни, ер, деҳқон, фермер, қишлоқ хўжалик ширкати тўғрисидаги қонунларни, деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш ҳақида Президентимиз чиқарган Фармонлар, ҳукуматимиз қабул қилган қарорларни чорвадорлар мамнуният билан кутиб олишиб, уларни изчил амалга оширишга киришдилар. Бу ишларда Исматулла ака Тўлаев бош-қош.

Ўтган йил хўжалик деҳқонлари учун баракали бўлди. Лалми ерларда 1350 тонна ўрнига 1647 тонна ғалла, 142 тонна махсар ишлаб чиқарилди. Кўзи олиш режаси бажарилди. Қоракўл қўйлар сони кўпайди. Бу йилги кўрсаткичлар яна ҳам юқори бўлиши кутилмоқда.

... Исматулла ака тилла рангга кираётган бошоқларни кафти билан силайди: «Насиб бўлса эртаиндин ўримни бошлаймиз. Аслида деҳқонларнинг тақдири шу она заминимизга туташ. Унинг қувончи, бахти, ризқи, дастурхон тўкинлиги шу заминдан».

Ўсар АБДУРАҲИМОВ

Вилоятда биринчи

Асака туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги ғаллакорлари меҳнат ғалабасига эришдилар. Улар 570 тонналик сара уруғлик дон хирмони барпо этиб, вилоятда биринчи бўлиб маррага етишди. Жамоа хўжалиги миришкорлари сифатли уруғлик тайёрлаш, ҳосилдорликни ошириш борасида ибрат кўрсатдилар. Ҳозир ҳосилдорликни 85 центнерга етказиш учун ўрим-йиғим давом эттирилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

* * *

...Чиноз туманидаги Собир Раҳимов номли пайчилик уюшмаси аъзолари давлатга дон сотиш режасини тўрт иш кунида вилоятда биринчи бўлиб бажардилар. Омборга 1250 тонна ўрнига 1304 тонна сара дон тўкилди.

Ҳали ғаллазорларнинг ярми ўрилмаган. Ғаллакорлар бу ердаги ҳосилни ҳам нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиб, ялпи хирмонни 2100 тоннадан ошириш ниятидалар.

Исмадиёр СУЯРОВ

Қонун олдида ҳамма баробар

«Қўлбола»га ишонч йўқ

Солиқчиларнинг шубҳаси тўғри бўлиб чиқди. Ҳақиқатдан ҳам Қўқон, Марғилон ва Данғара туманларида сотиладиган ароқларнинг аксарияти қўлбола экан. Аммо, савол туғилади: улар қаердан пайдо бўлаяпти?

Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси тузган тезкор гуруҳ аъзолари бозорларни зимдан кузата бошлашди. Қўқон бозори. Ана, синиқ пештахта тагидаги қора сумканинг оғзи очилди. Харидор тутган халтага 22 шиша «Оқ арақ» жойланди. Эвазига сотувчи бир даста пул олди...

Шу иш устида ушланган Манзура Акбарова уюшган жиноий гуруҳ аъзоларидан бири эканлиги маълум бўлди. Унинг оиласида тузилган жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ўз вазифасини билиб бажаришган. Бири спирт ва қопқоқларни Хўжанддан етказиб турса, иккинчиси қалбаки акциз маркалари ва турли хил ёрлиқлар тайёрлаш билан банд. Яна икки киши тайёр маҳсулотларни енг ичида «сув» қилишга устаси фаранг бўлиб кетишган. Шу боис ҳам улар хуфя цехнинг ҳидини чиқармай келишаркан.

Солиқчилар, ниҳоят, қалаванинг учини топишди. Манзуранинг Қўқондаги хонадонини кўздан кечиришганида шишага ёпиштириладиган турли ранг ва ёзувдаги 682 та ёрлиқ, 36 литр спирт, ароқ тайёрлайдиган мосламалар, қалбаки акциз маркалари, металл қопқоқлар чиқди. Данғара туманида истиқомат қилувчи опаси Роза Эгамованинг хонадонида ҳам бинойидек ароқ цехи ташкил этишган экан. Солиқчиларнинг иккинчи гуруҳи бу хонадонни текширганда спирт солинган 32 дона полиэтилен идиш, 2232 та ароқ ёрлиғи ва уларни елимловчи мослама, 846 та металл қопқоқ топилди.

Опа-сингил ароқфурушлар қўлга тушган пайтда эса уларнинг ҳамтовоғи Маъруфжон Раҳматуллаев Қўқон бозорида 100 литр қадоқланмаган винони ва 68 шиша акциз маркасиз «қўлбола» ароқни пуллаб ўтирган эди. Солиқчилар унинг ичимликлар тўла автомашинасини ҳам ўраб олишди.

Шундан сўнг Марғилон шаҳар Мадали Ҳофиз кўчасида истиқомат қилувчи ака-ука Муса ва Расул Биллоловлар хонадонидаги хуфя цех фош этилди. Акциз маркаси ёпиштирилмаган 17 шиша қалбаки «Оқ арақ»ни 3000 сўмга пуллаб турганларида қўлга тушгандан кейин уларнинг уйи кўздан кечирилганида сотувга тайёр қилиб қўйилган 270 шиша қалбаки «Оқ арақ», 81 дона металл қопқоқ, 613 дона турли хил кўринишдаги ароқ ёрлиқлари, спирт сақланадиган 50 литрли полиэтилен идиш, турли хил мосламалар ҳамда фильтр сифатида ишлатиладиган анчагина пахта чиқди. Ҳаммаси далилий ашё сифатида олиб қўйилиб, мазкур ҳолатлар бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Республикамиз солиқчилари бошқа вилоятларда ҳам тинмай рейд ва текширувлар ўтказмоқда. Самарқанд шаҳридаги «Мармар» деҳқон бозорида жойлашган хусусий савдо шаҳобчалари текширилганида солиқчилар жиддий қаршиликка дуч келдилар. Қўрққан олдин мушт кўтарар қабилида иш тутган дўкондор солиқ хизмати ходимлари Р.Холиқов ва М.Султоновга тан жароҳати етказиб жуфтакни ростлаб қолди. Лекин прокуратура ва ички хизмат ходимларидан тузилган тезкор гуруҳ томонидан илгари судланган Х.Раҳмонов ва унинг шериги П.Бердиқулов ўша куниёқ ҳибсга олинди. Бошқа ишлар эса қидирилмоқда. Гувоҳлар иштирокида ўтказилган текширув давомида Х. Раҳмонов дўконидаги 1278,4 минг сўмлик товарлар кирим қилинмаган, акциз маркасисиз 143,1 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари, 42,2 минг сўмлик «қўлбола» спиртли ичимликлар ҳужжатсиз ва сертификатисиз сақланаётганлиги аниқланди. Ноқонуний маҳсулотлар сотувдан олиб қўйилди. Дўконда назорат касса машинасининг йўқлиги учун 834 минг сўм савдо ушуми ҳисобга олинмаган экан.

Бундай тартибсизликлар Ургут туманидаги «Янги бозор»да ҳам мавжудлиги аниқланди. Текширув давомида бир кунда 9 нафар фуқародан акциз маркасисиз ва тегишли ҳужжатларсиз сотилаётган экан. Текширув ўтказилган куни М.Мухбилова 255,3 минг сўмлик акциз маркасисиз сигареталарни ҳеч кимдан ҳайиқмай сотиб ўтирган эди.

Умуман, республика солиқчилари ўтган ойларда бозорлар, ярмаркалар ва бошқа аҳоли гавжум жойларда салкам ўн мингта рейд ва текширув ўтказдилар. Шу жараёнда қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилаётган 30 мингдан ортиқ жисмоний шахс қўлга олинди. Улардан 87 миллион сўмлик акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар олиб қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда эълон қилинган «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 221-қарорига биноан шу йилнинг 1 июнидан бошлаб майда чакана савдо тармоқлари (савдо залига эга бўлмаган дўконлар, киоскалар ва палаткалар)да, деҳқон бозорларида ва улгуржи бозорларда алкоголли маҳсулотларнинг сотилиши умуман мумкин эмас. Агар юридик шахслар акциз маркаси бўлмаган алкоголли ичимликларни сотгудек бўлсалар алкоголли маҳсулотлар сотиш ҳуқуқидан гап-сўзсиз маҳрум қилинади.

1 июлдан бошлаб олиб келинаётган ва ишлаб чиқарилаётган алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этилади. Илгари амалда бўлган акциз маркалари билан маркаланган алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотиш эса республикамиз ҳудудида сентябрдан бошлаб таъқиқланади. Худди шу кундан эътиборан мувофиқлик белгилари мавжуд бўлмаган алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам барҳам топади.

Қарорга асосан спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва маҳаллий солиқ хизмати органи раҳбарлари зиммасига яна ҳам масъулиятли вазифалар юкланмоқда. Корхона раҳбарлари хомашё ресурсларини сарфлаш ва сақлаш, ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ва маҳсулот сифатини назорат қилиш бўйича жавобгарликни тўла ўз зиммаларига оладилар. Савдо тармоқларида акциз маркасисиз алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари сотилган тақдирда ўша жойлардаги солиқ идоралари раҳбарлари ва мансабдор шахслар жавобгар бўладилар, шунингдек, уларга эгаллаб турган лавозимларидан бўшатишгача бўлган жазолар берилади.

Бундай кўнгилхираликлар бўлмаслиги учун юридик шахслар ҳам, жисмоний шахслар бўлган ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам акциз маркаларини жорий этиш бўйича Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларига қатъиян амал қилишлари, ҳамиша қонуний иш тутишлари керак. Шунда ҳамманинг топгани ўзига буюради.

Жасур ПОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

авлодлар саодати

нинг бир қисми бўлган тарихий материализм ўз ўрнини ҳозирги замон ижтимоий фалсафасига бўшатиб берди. Иккинчи қисми бўлган диалектик материализмга келсак, бу ерда масала мураккаброқ. Бу ердаги материализм идеализмга, ғоялар таълимотига бутунлай қарши. Ваҳоланки, ғоялар, руҳлар тушунчалари инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун материализм билан чегараланиб қолиш нотўғри бўлади.

Диалектика сўзи эса сақланиб қолади. Уни марксизм яратган эмас, балки қадимги грек файласуфлари зиддиятлар ва ривожланиш ҳақидаги фан деб билганлар. «Диалектика» сўзини Шарқда араб тилига Форобий «ждл», «жадли», «жадал» деб таржима қилган. Унинг мазмуни — табиатда ҳар бир нарса зиддий, уни билиш ҳам зиддиятли: яхши-ёмон, кеча-кундуз, оқ-қора, плюс-минус, диференциал-интеграл кабилар.

Шундай бўлишига қарамай, материализмдан халос бўламан деб, диалектикани ҳам ташлаб юборганлар кўпая бошлади. Диалектика назарияси соҳасидаги илмий мақолалар жуда камайиб кетди. Мана шундай пайтда диалектикани ҳимоя қиладиган илмий асарга муҳтожлик пайдо бўлди. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,- барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби мана шу зарур вазифани бажарди.

Миллат ва маънавият

Китобда мамлакатлар орасидаги зиддиятларни антогонистик ҳолгача олиб бормаслик муҳим вазифа эканлиги таъкидланади. Тарихни можаролар ва адоват эмас, балки ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради. Ижтимоий кескинлик ва қарама-қаршиликни бартараф қилиш учун ижтимоий сиёсатимиз кучли бўлиши керак. Икки қарама-қарши мафкуравий тузумлар кураши йўқ бўлди, ўрнига зимдан тутаб ётган ҳар хил тарихий этник, сиёсий, диний можаролар кескинлашди. Эски тузумдан янги тузумга ўтишда одамларнинг дунёқараши, ижтимоий онги, мафкураси, савияси, қадриятларга муносабати, руҳияти ўзгармоқда.

Мамлакатимиз моддий жиҳатдан бой. Фойдали қазилмаларимиз ва иқлимий шароитларимиз, саноатимиз ва деҳқончилигимиз — халқимизнинг бахти. Аждодларимиз қолдирган салоҳиятимиз, илмий-маданий меросимиз, одамларимизнинг меҳнатсеварлиги, жамиятимизнинг энди тўғри йўлга тушиб олгани —маънавиятимизни янада бойитади. Мустақиллик — бунга гаровдир.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Матбуот ва миллий хавфсизлик

Германиянинг Гармиш шаҳрида "Демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари ва миллий хавфсизлик" мавзуида халқаро конференция бошланди. Унда кўплаб мамлакатлар, шу жумладан, мустақил Ўзбекистондан ҳам вакиллар иштирок этмоқда.

АҚШнинг Жорж Маршалл маркази томонидан уюштирилган ушбу анжуманда бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган масалалар муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, анжуман иштирокчилари демократик жамиятда матбуот ва миллий хавфсизлик мавзуида ўзаро фикр алмашадилар.

Халқаро конференция 26 июнга қадар давом этади.
(ЎзА)

Сандранинг истеъдоди

Жаҳон кино юлдузлари

Бугунги кино артистининг шуҳрат чўққиси — Голливуд фильмларида суратга тушишдир. Сўзсиз, уни забт этиш осонмас. Бошқаларни билмадим-у, омадга ишонаман. Америка кино оламида «ярқ» этиб кўзга ташланиб қолган Сандра Балук шундай, омадли актриса.

Кўплаб машҳурларнинг яратган образларини қизиқсиниб, ўрганганман. Уларнинг ҳусни ярим давлати, гўзаллиги қайсидир маънода ролларини «тўлдириб» туради.

Сандра соҳибжамол эмас, лекин жозибали аёл. У яратган образлар ҳам малоҳатли маликалар, ишқий саргузашталаб жононлар, аслзода малаклар эмас, оддий замондошлари.

Олмониялик опера хонандаси Хельге Мейер Мюленбург шаҳрида дунёга келган қизалоғига Сандра деб исм қўйганди. Хельге хоним қизчасини труппанинг ижодий сафарларига бирга олиб кетарди. Очиғи, Сандра «парда ортида» катта бўлди. Актёрлик сабоқларини Нью-Йоркдаги афсонавий актёр Семферт Мейнер студиясида олди. Дастлаб телевизион театрларда ўйнади. «Мен олмонияликманми — америкаликми? Кўп сўрашади, шу саволни? Муҳими бу эмас? Муҳими мен актрисаман, сиз севган», дейди у.

Назаримда, у катта кинога «Тақдир» фильми орқали кириб келганди. «Буни севги дейдилар», «Бузғунчи»да эсда қоларли роллар устида ишлади. Кейин «Тезлик» фильмида 28 ёшли Аннани ўйнади. «Тезлик» уни бутун дунёга танитди. Бизнинг томошабинлар ҳам уни шу фильмдаги Анна образи орқали илк бор кўрган бўлса, ажабмас. Фильм шунчалик довруққа эга бўлдики, америкалик мана-ман деган юлдузлардан у анча ўзиб кетди.

Сандра ҳақида продюссерлар шошиб қолишди. «Сандранинг санъати — ноёб қобилиятида эмас, ноёб ҳолатида, яъни у образларини фавқулодда ҳолатда кўрсатади» дея эътироф этишди. Ҳақиқатда, табиатан содда, ёш қиз на малика, на малак, на детектив — оддийгина образлари билан юлдузлик шоҳсупасининг кўпгина «синов» пиллапояларини хатлаб, қўшкка чиқди. Образлари маликага, ўзи шоҳсанамга айланди.

Голливуднинг энг ёш юлдузига актёр, актрисалар ҳавас, бироз, ҳасад билан қарашади. Начора, буни кино дейдилар. Шиддатли рақобат зум тинмайди.

Қаҳрамонлари кечинмаларига бизни шерик қила олган Сандра, асли ўзиям шу оламда яшайди. Маъюсгина нигоҳи тубида унинг армонлари яширинми, ё бахтли кулгуси ортида изтиробларими? Ўзи сингари шахсий ҳаёти ҳам «парда ортида» қолаверади. У ўзи ҳақида гапиришни ёқтирмайди. «Мен Аннаман, Мэриман... саҳна билан ҳаётим қоришган бу асрларнинг асли қаҳрамони, муаллифи ўзим...» Тўғриси шу.

Сандранинг санъати — малика образларида эмас, ноёб ижросида.

Саида БОНУ

Муҳандис уйига қайтди

Швейцариялик муҳандис Петер Цоллингер етти ойдан буён Чеченистонда гаровда ушлаб турилган эди. Куни кеча у эсон-омон уйига қайтиб келди.

Маълумки, П.Цоллингерни озод қилиш учун бир миллион АҚШ доллари миқдорида пул талаб қилинганди. Унинг қай тариқа озод этилгани хусусида ҳозирча жабрдийданинг ўзи ҳам, Швейцария Ташқи ишлар вазирлиги ҳам журналистларга ҳеч қандай маълумот бермади.

АҚШлик миллиардерлар

АҚШда чиқадиган "Форбс" журнали сайёрамиздаги энг бадавлат кишиларнинг навбатдаги рўйхатини эълон қилди. Бу гал ҳам рўйхатнинг энг юқорисини АҚШдаги "Майкрософт" компанияси асосчиси, 51 миллиард долларлик мол-давлат соҳиби - Билл Гейтс эгаллади.

Иккинчи ўринни эса "Уол-Март" савдо тармоқлари асосчисининг меросхўрлари олди. Уларнинг бойлиги 48 миллиард АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Учинчи ўринда эса 33 миллиард долларлик бойлиги билан америкалик молиячи Уоррен Баффет турибди.

Ёзги таътил ва халқ байрамлари вақтинча бекор қилинади

Тайван соғлиқни сақлаш бошқармаси "энтеровирус-71" эпидемияси тарқалиши муносабати билан ўқувчиларнинг ёзги таътили ҳамда халқ байрамларини бекор қилишга қарор қилди. Маълум бўлишича, мазкур касаллик туфайли кейинги бир ой ичида 5 ёшгача бўлган элликка яқин бола нобуд бўлган.

Май ойида ҳавонинг ҳаддан ташқари исиб кетиши ва шамоллаш касаллиги тарқалиши оқибатида 200 га яқин бола ана шундай хасталик билан оғриган эди. Маҳаллий шифокорлар бу юқумли касалликни аниқлаш ва унга қарши курашишга ожиз эканини тан олиб, АҚШдан мутахассисларни таклиф қилишганди. Америкалик шифокорлар эса мазкур касаллик "энтеровирус-71" эканини аниқлади. Бу янги касаллик бўлиб, унинг давоси ҳали топилгани йўқ.

Ўлимга маҳкум этилди

Хитойнинг Ғуйян шаҳри суди 15 нафар жиноятчини ўлим жазосига ҳукм қилди. Суд маҳкамасининг маълум қилишича, улар гиёҳванд моддаларни сотиш билан шуғулланган.

Хитойдан олинган хабарларга кўра, яқиндагина Ғуйян шаҳар суди 7 кишини ана шу айб билан олий жазога ҳукм қилган. Бироқ ҳукм ижроси номаълум сабабларга кўра кечиктирилмоқда.

Оила кулгуси

Котибанинг қаноти йўқ

— Ойижон, ҳамма фаришталарнинг қаноти бўладими?

— Албатта, болагинам, фаришталарнинг қаноти бўлади.

— Нега унда дадам котибасининг қаноти йўқ?

— Котибанинг нега қаноти бўлиши керак?

— Биласизми, у балки қанотсиз фаришталадир-а? Ахир, дадам ҳар доим уни: «Менинг фаришталим» деб ўпиб кўядилар-ку.

— Шунақами? Бўпти, кўрамиз, эртагаёқ котиба қизнинг «қаноти» чиқади. Дадангнинг ҳам чиқар, балки. Иккисиям ишхона балконидан «учиб» тушишади.

Сақлаб қолган арзонроқ

Эр-хотин судьянинг олдига ажрашиш учун ариза берганларига олти ойдан ошсаям негадир «ажрим» пайсалга солинаётганидан шикоят қилиб киришди.

— Хўш-хўш, демак ажрашмоқчисизлар? — судья қоғоздан бош кўтармай сўради.

— Ҳа, ҳа, ажрашмоқчимиз, — дейишди эр-хотин жўрликда.

— Унда жарима тўлаб келинглар,— шундай деб судья эрга алоҳида, хотинга алоҳида тўлов қоғози тутқазди: «Вой, бунча қиммат?» бошини ушлади хотин. «Ростанам бунча нархи баланд?» эрнинг авзойи бузилди.

Судья индамай турди. Сўнг эр-хотинга қаради:

— Мана, марҳамат, ажрашиш — 1000, ярашиш 500 доллар, - қандайдир қоғозни эр-хотиннинг олдига ташлади. Улар ўйлаб жавоб топишди.

— Агар ярашсак-чи, унда ҳам алоҳида-алоҳида жарима тўлаймизми?

Судья норози оҳангда деди:

— Яна тушунмабсизлар, чоғи, ахир биз сизларни «қўшаяпмиз» ажратмаяпмиз...

— Ярашамиз, — жўрликда деди эр-хотин.

Болгария. София шаҳри.

Ким кўҳлик...

Халқда шундай мақол бор. Ким кўҳлик — семиз кўҳлик. Унда нега семизлар доим «озишим керак» деб нолишгани нолишган? Айниқса, аёллар озиш учун ҳамма нарсага тайёр. «Овқат еманг, шувиллатиб вазн ташлайсиз», десин бирортаси. Жон деб ўзларига очлик эълон қилишади. Кўҳликлиги ўз йўлигаку-я, лекин кўчакўйда тўладан келган чиройли жувонни учратсангиз «эҳ, зўр экан-у, сал...» деб қўясиз. Тонманг бундан.

Фақат бизнинг аёллар шундан қуйинишадими? Айниқса, бўйи етган шундай қизларга муносиб куёв топилишиям амри маҳоллигини ўйласангиз, бу ҳақда жиддийрақ ўйлаб кўриш керак, деган фикрга борасиз.

Бақалоқлик кўрк бўлса-да,

Турфа одамлар

дунёдаги ҳамма аёллар бундан азият чекишади. Гамбурглик Барбара Херлинг ҳам тиқмачоқдай гавдаси учун 30 ёшгача «шаҳзода» сини кутди. Унга аталган бахт ҳам бор экан. Турмушга чиқди. Чиқди-ю, ўзига ўхшаган қанча қизлар «қариб» ўтирганини ўйлаб, «Чорасини топиш керак» деган қарорга келди. «Бақалоқлар бюроси»ни ташкил этди. Зумда турли ёқлардан «кўҳликкина»лар аъзоликка ёпирилиб кела бошлашди. Хўш, бақалоқ хонимлар-ку тўпланди, ҳайбатлик жаноблардан дарак йўқ.

Барбаранинг саъй-ҳаракатлари нишона бера бошлади. Энди бу бюро каттакон клубга айланди.

Семизлар клубига «бежирим» эркаклар ҳам кела бошлади. Шунақа, ҳеч кимни Яратган тоқ яратмаган. Албатта, жуфтини ҳам дунёга келтирган. Ортиқча вазндан қутулиш учун ҳар хил бўлмағур усуллардан фойдаланиб, касаликка чалинаётганлар учун «дард»нинг давоси топилди.

«Фариштa» бўлишни истайсизми?

МТ дан уч ҳафта ичинг.

МТ — «менус транквилус» ҳақида эшитганмисиз?

Мияни тинчлантирувчи оддийгина махсус муҳофазаланган ютма дори. Швециянинг Мальмо шаҳрида яшовчи олимлар узоқ йиллик кузатишлардан сўнг МТнинг «энг таъсирчан», «фойдали» дорилигини исботлади. Ундан фойдаланган одам «беозор мусича»га айланиб қоларкан. Одатда бемор муолажага муҳтож бўлади. Лекин, саломат киши ҳам асабийлашиши мумкин-ку? Модомики, МТ асабларни тинчлантираркан тез-тез дилихуфтон бўладиганлар фойдаланса, зарар қилмаса керак.

Швед олимлари МТни ашаддий жиноятчиларга бериш керак, деган хулосага келишининг боиси бор, албатта.

— Дорини дунёнинг турли бурчакларидаги қамоқхоналарда ўтирган махбусларда икки йил синовдан ўтказдик, — дейди антикриминал дори тадқиқотчиларидан бири, биохимик доктор Свен Бергман. — Бу капсула дунёга «таниқли» жиноятчиларда синаб кўрилганда, очиғи, шунчалик тез ижобий натижа беришини кутмовдик. Чунки «ютма»ни ютган энг вахший одам ҳам «тинчланиб», ёвузликни унутади. Фақат яхшилик ҳақида ўйлай бошлайдида.

Ихтирочиларнинг яна бир гуруҳи эса бесоқолбозлик, ахлоқан нопок-ликлар билан шуғулланувчиларни бу дори «тузатади» деб ишонтиряпти. Ҳар қандай янгилик ҳаётга осонгина сингмаслиги турган гап. Доктор Бергман ҳам ўз кашфиётини амалга тадбиқ қилиш учун бир неча йил «курашиб», «исботлаб» бергачгина капсулани тайёрлашга буюртма беришга эришганди.

Ҳаммаси эмас

Шундан кейингина Мальмо шаҳридан унча узоқ бўлмаган Бьерн-Пенал-Колония қамоқхонасидаги 124 нафар «машҳур махбус»га МТ юттирилганда, улар ипакдек мулойимлашиб қолишди. Ҳақиқатан ҳам бу жиноятчилар «машҳур» деса машҳур дегулик. Бир неча бор номусга тажовуз қилган, қотиллик, қуролланган тўда етакчиси, яъни оғир жиноят содир этган кимсалар эди.

— Тўғрисини айтсам, мен бунга қарши эдим, — дея турма бошлиғи Клас Хенрикссон ҳайратдан ёқа ушлайди. — Биламанки, бундай жиноятчи «тузалмайди». Менга қолса бундайларни гадой топмас камерага қамасам-да, устидан тамбалаб, қулф уриб, калитини денгиз тубига улоқтирсам. Мана 18 йилдирки қамоқхонада ишлаб, «яхши» бўлганларини кўрмагандим. Қўйиб берсанг булар туққан онасини нимталаб ташлашга тайёр каллакесар-да. Дорини ичишгач, биласизми, бошқа одамга айланиб қолишди. Бир-бирини ҳурмат қила бошлашди, камералардаги урсурлар, ўғрилик, исён кўтаришлар тугади. Барибир бирдан барини озод этмаймиз. Муддатини ўтириши керак. Қамоқхона бошлиғи Хенрикссон МТ ичган 103 нафар «мусичаи беозорга айланган» махбусни озод этди.

Одамлар-чи? Жамият «озод этилган»ларни қандай қарши олди? Кўпчилик бу воқеани салбий баҳолади. Матбуотда ўткир танқидий чиқишлар бошланди. «Қонунга зид»... дея қаршилик қилишгача бориб етишди.

— Дунёда жиноятчилик ошиб бораяпти, — дейди ҳукумат вакилларидан бири воқеага муносабат билдира туриб. — Қамоқхона ўз вазифасини бажаролмаяпти, вазиятдан қутулиш учун ўйлаб топилган найранг. Биз радикаллар — кескин чора кўриш даврида яшаяпмизми, жиноятчига кескин жазо беришимиз ҳам керак.

Бошқа давлат қонунчилари бўлса «тажриба — тажриба, қонун эса қонун» деган йўлни тутиб, аниқ фикр айтишмаяпти.

Нима бўлганда ҳам МТ ҳали «тажриба». Асабни тинчлантиришига шубҳа йўқ. Тиббиёт манъ этмайдики, капсула тайёрлашади. Жамиятда қанча дилозор кимсалар бор? Хенрикссон айтгандай, улар маънан жиноятчи асли. Яна улар «очиқ»да, орамизда. Агар МТнинг кучи шунчалик «қудратли» экан, шундайларни даволасайди?! «Фариштa»га айланиб қолишарди.

Балиқ...

... қуруқликда яшайди

Балиқларнинг ҳамма-ҳаммаси сувда яшайди. Қуруқликка чиқиб қолганлари эса...

Африканинг ёзда қурийдиган сой ва ирмоқларида ўпкали балиқлар мавжуд. Бу балиқ сув чекиниши биланоқ ўзини сой тубидаги лойга кўмади. Атрофини лой билан ўраб ғумбак бўлиб олади. Нафас олиш учун пилла шаклидаги уясидан ташқарига очилган кичик тешик қолдиради. Шундай равишда бир неча ой давомида ўпкаси билан ҳаёт кечиради.

Ҳамма нарсаларнинг яратгувчиси ўпкали балиқлар танасини ҳам шунга мос яратган. Ўпкалари ўзига хос ойқулоқ устига — бўғзига туташ ҳолда жойлашган.

Ўзини лойга кўмган балиқ нима билан тирикчилик қилади, деган савол туғилиши табиий. Ўпкали балиқ сой сув билан тўла бўлган пайтида вужудига ёғ тўплаб олади. Лой остида эса ана шу ёғ ҳисобига яшайди!

Ёмғир мавсуми бошланди дегунча, сойлар яна сувга тўлиб-тошади. Лой остида ухлаган балиқ ҳам ғумбагидан чиқиб ҳаёт фаолиятини қайтадан бошлайди.

... қон сўради

Денгиз тош эмувчиси — илон балиққа ўхшайдиган узун балиқдир... Номига қараб тош билан озиқланар экан, дея хулоса чиқарманг. Олимларнинг фикрича, авваллари шундай бўлганмиш. Аммо ҳозир қон сўради. Бошқа балиқларники каби на қаноти, на сузгичи бор.

Тош эмувчининг ўзгача жиҳати — оғзидир. Ияк деган нарсадан асар ҳам йўқ. Унинг ўрнига юмалоқ, мустаҳкам оғзи бор. Умуман ёпилмайди. Аммо тош эмувчига нима ғам? Оғзини ёпишга эҳтиёж сезмайди...

Оғиз бўшлиғи кичик, бақувват тишлар билан ўралган. Қорнини тўйдирмоқчи бўлса, кўзига кўринган балиқнинг баданига оғзини ёпиштиради. Сўнг тишлари билан ўлжасини қаттиқроқ тутиб эмишни бошлайди.

Лекин бу вазиятда у қон сўра олмайди. Бирор курол билан қурбонининг терисини йиртиши, қон томирларини кесиши керак. Бу ишга энг қулай аъзо — тилдир. Аммо биз билган тил юмшоқ бўлади, мўъжизани қарангки, унинг тили жонзот терисини йиртадиган даражадаги ўткир тишлар билан таъминланган.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

Кўп балиқлар кислород таъминоти учун оғзига сув олади. Уни ойқулоқларининг орасидан ўтказиб, эриган кислородни тортади. Сувга карбонат ангидридни ойқулоқ қопқоқчалари остидан отади. Бизнинг тош эмувчимизга бунинг учун оғизнинг ҳожати йўқ. Унинг ойқулоқлари баданидаги халтачалар ичидадир. Шу сабабли кислород олиш учун оғзини бўшатишга эҳтиёж сезмайди. Қон сўраётганида ўлжасини қўйиб юборишга асло мажбур бўлмайди.

... қармоқ билан ов қилади

Қурбақа балиқнинг ов қилиш услуби бизнинг қармоқ билан овлаш усулимизнинг айни ўзидир. Бошидан гўштли ипчалар чиққан бўлиб, улар сувда чувалчанг каби (буралаб, биланглаб) туради.

Қурбақа балиқ сувда ов қилаётганида қум ёки бирор ўйиққа биқиниб олади. Унинг ипчаларини чувалчанг деб ўйлаган кичик балиқлар яқинлашиб емоқчи бўлади. Оғзига олиш биланоқ ипчалар тиқилиб қолади. Қурбақа балиқ бу пайтда уларни дарҳол ютади.

Энди айтинг-чи: бу усулни қурбақа балиқ одамларданми, йўқса, одамлар қурбақа балиқдан ўрганишганми? Минг йилларча олдин одамлар бу усулдан бехабар бўлганларидаёқ, қурбақа балиқ қармоқ билан ов қилар эди. Аммо шу билан бирга бу усул қурбақа балиқнинг ҳам кашфиёти бўлолмайди. Чунки у одамдан ақлли эмас.

... қандай урчийди?

Баъзи итбалиқ, дельфин, юнус балиқ ва бошқа балиқлар тирик туғиб урчишади. Кўп балиқлар эса тухум қўйиб, наслларини давом эттиришади.

Ҳар тур балиқ маълум муддатда урчиш фаолиятини бошлайди. Бу вақтда эркак балиқларнинг ранги ўзгаради. Эркак ва урғочи балиқлар бир-бирига қанот ёки вужудлари билан сигнал жўнатишади. Ишратлашгандан сўнг урғочи балиқ уруғлай бошлайди.

«Минг саволга минг жавоб» китобидан
Муҳайё ЙЎЛДОШЕВА таржимаси



Сўзсиз сурат.

Бозорбой ЖУМАБОЕВ коллажи

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 25 iyun, payshanba № 75 (22.312).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Омад дегани рўёми

Жаҳон чемпионатида шундай бетакрор, воқеаларга бой, ҳужумкор ўйинлар бўляптики, чамаси олдиндан фалон жамоанинг омади чопди дейиш қийин. Зеро, омад дегани рост бўлса, кутилмаган тасодифлар сабаб ютуққа эришиш ҳеч гап эмас экан. Шу жиҳатдан қараганда, Осиё минтақасидан Францияга йўлланма олган жамоаларнинг омадлари юришмадиёв. Аксарият жамоалар муддатидан олдин нимчорак финалга йўлланма олишган бўлишса, осиёлик футболчилар барвақтроқ чемоданларини ҳозирлаб қўя қолишди. Ҳозирча фақат Эрон футболчиларига умид боғлаш мумкин. Қизиқда, агар омад рўё бўлмаса, иккита жавобсиз тўп киритиб, олдинда бораётган Югославия жамоаси кутилмаганда олмонларнинг шунча тўпини қўйиб юбориб, дуранг билан қаноатланармиди. Ёки чемпионатга астойдил ҳозирлик кўрган Жанубий Корея футболчиларининг гўё сусткашлик қилиб, дарвозаларидан бешта тўп ўтказиб юборишлари яна ўша рўёга боғлиқ эмасмикан...

Колумбия — Тунис (1:0), Руминия — Англия (2:1) учрашувлари билан гуруҳларда иккинчи тур ўйинлари якунланди. Ҳал қилувчи тур ўйинлари эса гуруҳ ғолиблари билан иккинчи ўринни олган жамоаларнинг нимчорак финалда кимлар билан майдонга тушишларини ойдинлаштирмоқда. Хусусан, барвақт курашни давом эттириш имкониятига эга бўлган Бразилия футболчиларининг Норвегия жамоасига ютқазиши (1:2) ҳам мухлисларни ҳайратга солди. Шотландия — Марокаш учрашувида Африка минтақаси футболчиларининг имкониятлари етарли экани намоён бўлди. Марокашликлар учта жавобсиз тўп киритиш билан ғалаба қозонишди. Италия — Австрия учрашуви 2:0, Чили — Камерун ўйини дуранг (1:1) бўлди. Энди «А» ва «В» гуруҳларида якунловчи саралаш ўйинларидан кейинги ҳолат билан танишинг.

FRANCE 98

	Ю	Д	М	Т	О
Бразилия	2	0	1	6-3	6
Норвегия	1	2	0	5-4	5
Марокаш	1	1	1	5-5	4
Шотландия	0	1	2	2-6	1
Италия	2	1	0	7-3	7
Чили	0	3	0	4-4	3
Австрия	0	2	1	3-4	2
Камерун	0	2	1	2-5	2

Шундай қилиб, нимчорак финалда Бразилия — Чили, Италия — Норвегия жамоалари учрашадиган бўлди.

Ҳайдар НОСИРОВ



Франция. Кольюр шаҳрининг Ўрта денгиз бўйидаги дам олиш маскани.
Алишер РЎЗИЕВ олган сурат

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Алишер РЎЗИЕВ, навбатчи Юсуф ЖЎРАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 27.543 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 080

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.50.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Китоб — содиқ дўст

Аллома ҳақида достон

Улуғ аждодлар ҳақида мухтасар фикр айтиш, неча асрлар илгари яшаб ўтган шахс сиймосини яратиш албатта ижодкордан кўп изланишлар ва меҳнат талаб қилади. Иқтидорли шоир Олимжон Бўриев сўнгги йилларда шундай улкан масъулиятни ҳис этган ҳолда баракали ижод қилаётир. Ўтган йили унинг тарихий мавзулардаги «Ғурурли миллат тимсоли» ва «Маънавият гултожи» номли китоблари мухлислар томонидан илиқ кутиб олинган эди. Буюк аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги нишонланадиган йилда у ҳақда салмоқли достон битгани шоирнинг катта анжуманга муносиб туҳфасидир.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Олимжон Бўриевнинг «Аҳмад ал-Фарғоний» номли достонини чоп этди. Достонида улуғ аждодимиз, қомусий олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва сермашаққат ижод йўли, илмий изланишлари, кашфиётлари ва ўлмас мерослари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинади.

Албатта, тарихий мазуда битилган ушбу асарда озми-кўпми камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Барибир, олис ўтмиш, нурли мозий ҳақида сўз юритишга журъат этган шоирнинг муваффақиятларини ҳам эътироф этиш адолатдандир.

Муҳими, тарихнинг ўқилмаган саҳифалари истиқлол шарофати ила аста-секин юз очаётгани қувончли ҳолдир.

Тўлқин ЭШБЕК

Етуклик

Оила — муқаддас қўрғон

Ҳамид акани кўп йиллардан бери яхши танийман. Кенжатой ўғиллари Дилшод билан ҳамкасбмиз. Фотиҳ Жалолов эса актёр. Уни ҳамма билади. Қулай фурсат топиб Ҳамид Жалоловнинг дил тугунини ечишга муваффақ бўлдим. Қолган оила аъзолари билан ҳам шу тарзда танишиб олдим.

Унинг ёши бир жойга бориб қолди. Меҳнат фахрийлари қаторига ҳам ўтди. Кексалик гаштини суриб ётаверса ҳам бўларди. Бунга унинг ҳаққи ҳам, имкони ҳам бор. Бироқ Ҳамид ака ишга ўрганган. Меҳнатсиз, нашриётсиз ҳаётини тасаввур ҳам қилолмайди. Кексайган сари киши тунлари уйқусиз бўлиб қолар экан. Уям шундай. Кипригига уйқу инмайди. Тунларни тонгга улайди. Босиб ўтган ҳаёт йўлини ўйлайди. Юрагига яқин, азиз кишиларини соғинади. Ўтган умрини сарҳисоб қилади. Нимадандир дили ёришса, қайсидир хотира юрагига соя солади. Ишқилиб, бир инсончалик яшади. Баъзан хато қилди, баъзида савоб топди. Ҳаёт байрамлардангина иборат эмас, гоҳ ҳуд бўлса, гоҳо беҳуд...

Отасидан айрилганидан кейинги йиллар унга осон бўлмади. Газетада ишлаб топадиган 100 сўм маоши билан катта оиланинг қора қозони қайнарди. Олти нафар укалари ва сингилларига бош, муштипар онаизорига қанот бўлиш оғир эди. Аммо амал-тақал қилиб кун кечирдилар. Сўнгра Муҳибага уйланди. Укалари ва сингилларини ҳаётнинг катта йўлига олиб чиқди. Ўзининг тўрт нафар фарзандини ҳам боқиб ўстирди. Муҳибасини ўқитиб, ўқимишли дугоналари қаторига қўшди. Икковлон жуфт кабутарлардек баҳамжиҳат, тинч-тотув умргузаронлик қилдилар. Муҳаббат асосига қурилган оила дарахтининг мевалари ҳам болдек ширин бўлар экан. Ўз ота-оналари сингари бир-бирларига меҳрли, меҳнатга укувли, дўстларга оқибатли, мақсадга садоқатли ўғил-қизлардан жамият ҳам мамнун. Икки бирдек укаси Ҳамид аканинг икки қаноти бўлди. Улар акаларининг чизган чизиғидан чиқмай ўсиб улғайишди. Эл-юрт ва оилада ҳам у сингари фахрланса арзийдиган тоғларга айланишди. Сингиллар уйли-жойли бўлиб кетишди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон телевидениесининг етакчи режиссёрларидан бири Мирсоат Каримов акасидек жамиятда ўз ўрнини топганлардан.

Ҳали айтганимдек, эр-хотин тотли умр кечиришди. Ота-онанинг қисмати полапонларини боқиб тарбиялаш ҳамда ҳаёт осмонига учирма қилдиришдан иборатдир. Оиланинг тўнғичи Моҳийда, сўнг ўғиллар Фаррух, Фотиҳ ва Дилшод дунёга келишди. Эр-хотин ишда бўлишар, мактабларидан қайтганларидан кейин рўзғор юмушлари билан болаларнинг ўзлари шуғулланишарди. Ҳамид ака фарзандларининг кун тартибини жадвал асосида тузиб берганди. Ҳамма нима билан банд бўлар, бекорчи ўйинларга уларнинг сира вақтлари бўлмасди.

Арслондек уч ўғлон ота билан онаизорнинг суянган тоғи, ишонган боғи. Уларнинг муроди, буларнингда муроди. Уч ўғли билан Ҳамид ака тўйларга борса, кўчаларда сайр этиб юрса, суқли, ҳавасли нигоҳларни сезиб кўнгли тоғдек юксалади. Қобил, оқибатли фарзандлар бергани учун Тангрига беадад шукроналар дейди.

Ҳар тонг Ҳамид ака хаста юрагини силаб яёв йўлга тушади. «Қозоғистон» кинотеатридан то Амир Темур хиёбонигача бўлган масофани босиб ўтиб, қадрдон ишхонаси — «Адолат» нашриётига келади. У бу ерда бош муҳаррир лавозимида ишлайди.

Ҳар бир ташкилотнинг ўзига хос қонун-қоидалари, одатлари бор. Нимаси биландир жамоага файз бағишлаб турадиган кишилари ҳам. Ҳамид ака Жалолов ана шундайлар сирасидан. Умрининг катта қисмини бағишлаган ноширлик касби унга оддийгина касб эмас, балки қисмат бўлиб қолган. У нашриётда кўп йиллар самарали меҳнат қилди. Муҳаррирликдан ташқари таржимонлик билан ҳам шуғулланди. У хорижий ва қардош тиллардан 25 дан ортиқ асарларни ўзбек тилига ағдарди.

Бундан ташқари унинг ўзи бадиий асарлар ёзиб, ёш китобсеварларни ғоятда мамнун этди. У «Юлдузли кўчатлар», «Йўқолган кўприк», «Вильтава соҳилларида», «Олтин сандиқ» каби бир қатор китоблар муаллифи.

Ҳамид акамиз яқинда 62 ёшга тўлади. Биз у куни оила аъзоларининг қувончига шерик бўламиз. Гарчи акамиз олтмишлардан ошган эрсаларда, йигитлардек ўктам, салобатли, кўркам. Мен бу инсонни саҳнада роль ўйнаётган виқорли актёрга менгзайман. Ҳамид акада артистлик иқтидори бўлган, Фотиҳ тасодифан санъатни танлаган эмас, назаримда бу қобилиятни отасидан мерос олган.

Оила йили сабаб бўлиб, устозлик сабоғи билан дилимда эҳтиром ҳиссини уйғотган, катта таржимон, яхши ёзувчи, иқболи баланд ота, севикли дода-бува ва унинг ҳаёти, оиласи ҳақида қисқача ҳикоя қилдим. Холбуки, Ҳамид ака, Муҳиба опа, Моҳийда, Фаррух, Фотиҳ, Дилшод Жалоловларнинг ҳар бири улкан асарларга қаҳрамон бўлишга муносиб етук кишилардир.

Шарофат ИСКАНДАРОВА

ТОШКЕНТ АГРО-ТИЖОРАТ КОЛЛЕЖИ
1998-1999 ЎҚУВ ЙИЛИДА

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАРГА:
1. Солиқ ва солиқ солиш (кундузги ва сиртқи)
2. Муҳосиблик ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолияти таҳлили (кундузги ва сиртқи)
3. Менежмент (кундузги ва сиртқи)
4. Ўсимликлар муҳофазаси (кундузги)
5. Ер тузиш ва ер кадастри (кундузги)
6. Фермер (деҳқон) хўжалигини ташкил этиш (кундузги)
7. Тижорат фаолияти (кундузги ва сиртқи)

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Коллежнинг кундузги бўлимларига тўликсиз ва тўлиқ ўрта маълумотли, кириш имтиҳонларини ҳамда тест синовларини муваффақиятли топширганлар қабул қилинадилар.

Ўқишга шартнома асосида ҳам қабул амалга оширилади.

Абитуриент киришда қуйидагиларни топширади:
1. Директор номига ариза
2. Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси)
3. Тиббиёт маълумотномаси (086 /У намуна)
4. 6-дона фотосурат (3х4 катталикда)
5. Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Кундузги ва сиртқи бўлимларга аризалар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.

9 синфни битирганлар ўзбек тили ва математика фанларидан кириш имтиҳонларини топширадилар.

11 синфни битирганлар ўзбек тили ва адабиёти ҳамда математикадан тест саволлари асосида кириш имтиҳонларини топширадилар.

Ўқишга марҳамат қилингиз!

Коллеж манзилгоҳи:
Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани, Ўрикзор даҳаси, индекс: 700106
1. «Пахтакор» метро станциясидан Тошкент агро-тижорат коллежигача —53-автобус.
2. «Тўқимачилик» комбинати бекатидан Тошкент агро-тижорат коллежи бекатигача — 182-автобус.
3. «Чилонзор» метро станциясидан Тошкент агро-тижорат коллежи бекатигача — 125-автобус.

Аюпхон СОБИРОВ

«Наманганғўштсутсаноат» вилоят акционерлик компанияси раиси, вилоят халқ депутати Аюпхон Собиров 50 ёшда тўсатдан вафот этди.

Аюпхон Собиров бутун меҳнат фаолияти давомида биргина шу корхонада ишлаб келди. У меҳнат фаолиятини 1971 йилда цех бошлиғи лавозимида ишлашдан бошлаб, компания раиси лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Ҳаётининг деярли ярмини эл-юрт фаровонлиги — республикамиз гўшт-сут саноатини ривожлантиришдек шарафли ишга бағишлади. Чуқур билимли, ҳар бир масалага масъулият билан виждонан ёндошадиган, ташаббускор, камтар ҳамда янгиликка интилувчан, изланувчан раҳбар сифатида ҳурмат қозонди.

Унинг раҳбарлиги остида халқ олдида ўз масъулиятини тўлиқ ҳис қила оладиган, зиммасига юклатилган топшириқларни ўз вақтида ва ҳалол бажара оладиган аҳил жамоа ташкил топди.

Аюпхон Собировнинг ҳақиқий ватанпарварлиги, ташаббускорлик хислатлари унинг меҳнат фаолиятида ёрқин намоён бўлди.

Ажойиб инсон Аюпхон Собировнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади. Унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиламиз.

«Ўзғўштсутсаноат» уюшмаси жамоаси

«ҒАЗАЛКЕНТ ОЙНА» ОТҲЖ

3-4 мм қалинликдаги 400х500 ммдан 1100х1600 ммгача ўлчамдаги дераза ойналарини бозордан арзон нархда ҳеч қандай чекловсиз

СОТАДИ

Алоқа учун телефонлар: 28-234, 28-451, 21-735

Манзилгоҳ: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани Искандар посёлкаси, Фурқат кўчаси, 102

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани 134-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Фарҳод Фахритдинович Аманов номига берилган UZA № 036452 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Септима-М» фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.
Мурожаат учун телефон: 45-54-72

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани С.Сирожиддинов номли 1- ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Жумабоева Гулфия номига берилган АN№415516 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Андижон вилояти «Автойўл» бирлашмаси жамоаси бирлашма раисининг ўринбосари Муҳаммаджон Курбоновга онаси Эргашхон ая БОЙМАТОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.